Единый портал корпоративной информации

Существенные факты

"Toshkent qishloq xo'jalik mahsulotlari ulgurji bozori" AJ
06. Решения, принятые высшим органом управления эмитента, в том числе решения наблюдательного совета хозяйственных обществ о выпуске акций, корпоративных облигаций и иных ценных бумаг

1.	**НАИМЕНОВАНИЕ ЭМИТЕНТА**	
	Полное:	"Toshkent qishloq xo'jalik mahsulotlari ulgurji bozori" aksiyadorlik jamiyati
	Сокращенное:	"Toshkent qishloq xo'jalik mahsulotlari ulgurji bozori" AJ
	Наименование биржевого тикера:	Нет
2.	**КОНТАКТНЫЕ ДАННЫЕ**	
	Местонахождение:	г. Ташкент, Бектемирский район, Ташкентская автомобильная кольцевая дорога
	Почтовый адрес:	г. Ташкент, Бектемирский район, Ташкентская автомобильная кольцевая дорога
	Адрес электронной почты:	Ulgurji_830@mail.ru
	Официальный веб-сайт:	www.toshkent-ulgurji.uz
3.	**ИНФОРМАЦИЯ О СУЩЕСТВЕННОМ ФАКТЕ**	
	Номер существенного факта:	6
	Наименование существенного факта:	Решения, принятые высшим органом управления эмитента, в том числе решения наблюдательного совета хозяйственных обществ о выпуске акций, корпоративных облигаций и иных ценных бумаг
	Вид собрания:	внеочередное

Дата проведения собрания:	29.02.2024
Дата составления протокола собрания:	29.02.2024
Место проведения собрания:	Тошкент шахар, Бектемир тумани, Автомобиль халқа йўли
Кворум собрания:	94,33

№	Вопросы, поставленные на голосование	Итоги голосования					
		за		против		воздержались	
		%	количество	%	количество	%	количество
1	"Тошкент қишлоқ хўжалик махсулотлари улгуржи бозори"АЖни ихтиерий тугатиш хақида	100,0	1 151 509	0	0	0	0
2	Жамиятни тугатиш комиссиясини тайинлаш тўғрисида	100,0	1 151 509	0	0	0	0

№	Полные формулировки решений, принятых общим собранием

1	1. Жамият ижроия органининг қуйидагилар ҳақида берган ахбороти маълумот ва ижро қилиниши учун қабул қилинсин: - Жамиятнинг ҳудудида тадбиркорлар фаолияти 2024 йил 5 январдан тўхтатилганлиги; - Шу ўтган икки ой давомида бозор фаолиятини қай тартибда давом эттириш, таъмирлаш, реконструкция қилиш бўйича бирор бир расмий ёки норасмий маълумотлар бугунги кунда мавжуд эмаслиги, бозор фаолияти икки ойдан буён тўхтаб турган бўлсада ер солиғи, мулк солиғи ҳисобланиши давом этиб турганлиги, бу ҳолат давом этса жамиятнинг молиявий аҳволи қийинлашиб қолиши кутилиши сабабли жамиятни юридик шахс сифатида ихтиёрий тугатиш мақсадга мувофиқ деб топилганлиги; - агар зарурият юзага келганда давлат идоралари ва бошқа манфаатдор ёки бошқа тегишли ташкилотлар томонидан таклифлар билдирилса жамиятни фаолиятини тугатиш ишларини тўхтатиб, тиклаш имконияти мавжудлиги; - давлат идоралари, манфаатдор ташкилотлар ёки бошқа тегишли мутасаддиларнинг ҳудуддан самарали фойдаланиш таклифига асосан аҳолига манфаатли бўлган бирор йўналишда ҳудудда бирор самарали фаолият тури ташкил этилиши мумкинлиги. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 18 декабрдаги «Тошкент шаҳридаги деҳқон бозорлари ҳудудларида қурилиш, реконструкция ва ободонлаштириш ишларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 366-сонли қарорига ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимининг 2015 йил 22 декабрдаги 1116-сонли, 2020 йил 13 февралдаги 148-сонли қарорларига ва бошқа ҳужжатларга асосан, жалб қилинган инвестиция ҳисобидан жамият устав фондини ошириш бўйича қарор қабул қилинганлиги; Жамият ҳудудида амалга оширилган қурилиш ишлари якунлангандан сўнг, қурилиш ташкилоти қурилган объектни Авизо орқали жамият маъмуриятига топширгандаги рақамларда банк кредити фоизи, устамалар ва бошқа харажатлар қўшилмаганлиги; Банкдан кредит олиб қурилишга сарфланган маблағлар бўйича банк кредити фоизи, устамалари ва бошқа харажатлари бўйича судларнинг қарорларида, Халқ банкининг хатларида ва тегишли ҳисоб-китоблар асосида тайёрланган маълумотга кўра қурилиш объектининг таннархи барча харажатлар қўшилганда ўзгариши (жадвал иловада), бунда аввал авизо орқали қабул қилинган бино-иншоотлар таннархига ўзгартириш киритиш орқали ушбу масалани ҳал қилиниши; 1.1. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигидан 22.07.1999 йилда 1226-рақам билан рўйхатдан ўтказилган, Тошкент шаҳри, Бектемир тумани, Тошкент автомобил халқа йўли манзилида жойлашган (ИНН: 202966895) “Тошкент қишлоқ хўжалик маҳсулотлари улгуржи бозори” АЖ 2024 йил 29 февралдан ихтиёрий тугатилсин (жамиятнинг тўлиқ ва қисқартирилган номлари: “Toshkent qishloq xo’jalik mahsulotlari ulgurji bozori” акциядорлик жамияти, “Toshkent qishloq xo’jalik mahsulotlari ulgurji bozori” АЖ). 1.2. Белгилансики, агар зарурият юзага келганда давлат идоралари ва бошқа манфаатдор ёки бошқа тегишли ташкилотлар томонидан топшириқлар берилса жамият фаолиятини тугатиш ишлари тўхтатилиб, фаолиятни тиклаш имконияти мавжудлиги, ёки давлат идоралари, манфаатдор ташкилотлар ёки бошқа тегишли мутасаддиларнинг ҳудуддан самарали фойдаланиш таклифига асосан аҳолига манфаатли бўлган бирор йўналишда ҳудудда бошқа самарали фаолият тури ташкил этилиши мумкинлиги.

2	2. Қуйидаги таркибда жамиятни тугатиш комиссияси тузилсин ва уларга ҳақ тўлаш миқдори иловага мувофиқ тасдиқлансин. Тугатиш комиссияси раиси О.Джумаев “Тошкент қишлоқ хўжалик маҳсулотлари улгуржи бозори” АЖ директори (паспорт: АС2924419, Тошкент ш, Олмазор тумани ИИБ томонидан 12.08.2020 йилда берилган, манзил: Қора-Қамиш 2/1, тел:+998955200101, ulgurji_830@mail.ru) Тугатиш комиссияси аъзолари: Ш.Шамансуров «Муниципал активларини бошқариш маркази» ДУК, «Бозорлар ва савдо комплекслари департаменти» бошлиғи ўринбосари Т.Камолов Кузатув кенгаши аъзоси М.Абдуллаев Давлат активларини бошқариш агентлиги Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси бўлим бошлиғи А.Каримов “Тошкент қишлоқ хўжалик маҳсулотлари улгуржи бозори” АЖ бош бухгалтери М.Хоштаева “Тошкент қишлоқ хўжалик маҳсулотлари улгуржи бозори” АЖ бош бухгалтери ўринбосари З.Нуриллоева “Тошкент қишлоқ хўжалик маҳсулотлари улгуржи бозори” АЖ ҳуқуқшуноси 2.1. “Тошкент қишлоқ хўжалик маҳсулотлари улгуржи бозори” АЖни тугатиш муддати олти ой этиб, кредиторлар талаблари кўрсатилган аризаларни қабул қилиш муддати эълон чиққан кундан бошлаб «икки ой» этиб белгилансин. 2.2. Жамиятни тугатиш фаолияти билан боғлиқ мурожаатларни қабул қилиш жойи ва муддати: Тугатилаётган “Тошкент қишлоқ хўжалик маҳсулотлари улгуржи бозори” АЖ бўйича мурожаатлар тугатиш тўғрисидаги эълон чиққан пайтдан эътиборан икки ой давомида Тошкент шаҳри, Бектемир тумани, Тошкент автомобил халқа йўли (Тошкент қишлоқ хўжалик маҳсулотлари улгуржи бозори маъмурияти) манзилида қабул қилинсин. 2.3. Жамиятни тугатиш комиссиясига (Тугатувчисига) қонунчиликда белгиланган тартибда жамият ишларини бошқариш бўйича барча ваколатлар ўтказилсин ва Комиссия томонидан ўрнатилган тартибда тугатиш ишлари амалга оширилсин. 3. Мазкур йиғилиш қарори ижросини таъминлаш жамият ижроия органига юклатилсин.

Ф.И.О. руководителя исполнительного органа:	Джумаев Отабек Равшанович
Ф.И.О. главного бухгалтера:	Каримов Абдурасул Каримович
Ф.И.О. уполномоченного лица, разместившего информацию на веб-сайте:	Абдурахманова Ирода Фуркатовна

Данная публикация на корпоративном веб-сайте эмитента

Источник: https://openinfo.uz/facts/6/10501
Дата: 10.11.2026